

"Ўзкимёсаноат" АЖда "Хон атлас" фестивали

// 28 sentabr 2023 йил

<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azhda-hon-atlas-festivali>



Маълумки, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан республикамызда миллий либосимизда халқимиз урф-одатлари, диди, эстетик қарашлари, шунингдек, ўзига хос хусусиятлари мужассамлигини намоён этиш мақсадида "Хон атлас" фестивали ўтказилмоқда.



"Ўзкимёсаноат" АЖ нинг лобар хотин-қизлари ҳам бугун ишга расмий ва одатий кийимда эмас, балки миллий адрас ва атлас матоларимиздан тикилган либосларда келишди.



Маълумот ўрнида, ўзбек миллий шойи матолари - атлас ва адрасни тайёрлаш технологияси

ЮНЕСКО Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича илғор тажриба рўйхатига киритилган.





